

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ОИД  
ТУШУНЧАЛАРИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Сурайё Эшбоева Қахрамон қизи

Термиз давлат университети

Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:**

ушбу мақолада экологик моддий ва маънавий меъросни сақлаш, ривожлантириш; экология ва табиатни асрар, муҳофаза қилиш; ёшларга экологик тушунчалар беришнинг вазифалари; ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш мотивларини шакллантириш; экологик тафаккур, экологик тушунчани амалга оширишдаги амалий ишлар, экологик маданиятни шакллантириш жараёнлари; дарсдан ташқари машғулотларда экологик муаммоларни ўрганилиши каби маълумотлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** табиат, жамият, инсон, экология, тафаккур, машғулот, муаммо, тушунча, маданият, бошлангич синфлар, ўқувчи, эстетик ҳиссият.

**Annotation:** in this article, preservation and development of ecological material and spiritual heritage; preservation and protection of ecology and nature; tasks of giving young people ecological concepts; formation of motives for active participation in socially useful work; ecological thinking, practical work in the implementation of ecological understanding, processes of formation of ecological culture; information such as the study of environmental problems in extracurricular activities.

**Key words:** nature, society, man, ecology, thinking, training, problem, concept, culture, primary classes, student, aesthetic feeling.

**Аннотация:** в данной статье сохранение и развитие экологического материального и духовного наследия; сохранение и защита экологии и природы; задачи по формированию у молодежи экологических представлений; формирование мотивов активного участия в общественно полезном труде; экологическое мышление, практическая работа по реализации экологического понимания, процессы формирования экологической культуры; такой информации, как изучение экологических проблем во внеклассной деятельности.

**Ключевые слова:** природа, общество, человек, экология, мышление, обучение, проблема, понятие, культура, начальные классы, ученик, эстетическое чувство.

Экологик моддий ва маънавий меъросни сақлаш ва ривожлантириш умумий ижтимоий ривожланишнинг манфаатларидан келиб чиқиб, “табиат-жамият-инсон” мажмуасида уларнинг мутаносиблигини таъминловчи тарихий асос сифатида намоён бўлади. Умуман, маданият тарихининг маънавий, моддий меъроси экологик маданиятни ривожланишига асос бўлган. Шунинг учун ҳам умумий маданият тарихини экологик манфаатлар доирасида ижодий, тарихий ўрганиш экологик маданият йўналишлари методологик асос бўлиб ҳисобланади [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда қабул қилинган “Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, республикада мавжуд табиатни асрар ва муҳофаза қилиш қўмитаси, экология ва табиатни асрар ва муҳофаза қилиш қўмитасига айлантирилди.

фақат ўтмишнинг муштараклашган экологик назарияларини, амалиётини ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолашга, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ўрганишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ҳозирги шароитда ўтмишнинг назария даражасига кўтарилимаган оддий урф-одатлари, анъаналарини рағбатлантирувчи ёки тақиқловчи мотивларини, уларни такомиллаштириб, бугунги кўринишга айлантириш қонуниятлари ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришда қўйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

1. Ўқувчилар томонидан табиатнинг яхлитлиги, жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги илмий билимларни ўзлаштириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиришга асос бўладиган экологик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга эришиш.
2. Табиат ва унинг таркибий қисмларининг кенг маънодаги аҳамиятини тушуниш, тикланадиган ва тикланмайдиган бойликларнинг фарқига етиш.
3. Табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини асрар, кўкаламзорлаштириш ва табиий бойликларни кўпайтириш учун амалга ошириладиган тадбирлар, ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш мотивларини шакллантириш.

Шу ўринда экологик тушунча меросини билиш ва креатив яъни ижодий ўзгаришни муносабатнинг маҳсус шакли сифатида фарқ қилиш методологик жиҳатдан зарур. Бир томондан, табиий меъросни ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлар доирасида баҳолаш экологик қадриятлардан ташқарида мустақил бўлиши мумкин эмас. Иккинчи томондан, бу манфаатлар экологик моддий ва маънавий меросни ривожлантириш эҳтиёжи билан боғлиқ ва унинг мавжудлигини таъминловчи мотиви сифатида намоён бўлади [2].

Кўпчилик тадқиқотчилар компетентликнинг ривожланишини таълим олувчиларнинг кўникумаларига асосланиб баҳолашади. Жумладан, таққослаш, умумлаштириш, тушунчаларни аниқлаш, янги билимларни эгаллаш ва таркиб топтириш, мустақил билимларни ўзлаштириш, ўз-ўзини такомиллаштириш мақсадида билишга доир кўникумаларни қўллаш, касбий вазифаларни ҳал этишда эгалланган билим, кўникумка ва фаолият усулларидан фойдаланишга тайёрликдан иборат бўлади [3].

Табиат ва жамият муносабатларини билиш инсоният назарий фаолиятининг фундаментал муаммосидир. Бу муаммолар жамият тараққиётига мос равишда кун тартибига қўйилган, уларни ҳал қилиш инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, манфаатлари доирасида бажарилган. Ўз навбатида бу эҳтиёж ва манфаатлар табиат ва жамият муносабатларининг тарихий ривожланиш хусиятларини белгилайди [4].

Мамлакатнинг келгусидаги жадал тараққиёти ёш истеъододларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиши тизимини ташкил қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратиш бўйича ишлар сифатини ошириш заруратини тақозо этмоқда [1].

Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштириш масаласи долзарб муаммолардан биридир. Экологик тафаккур умуминсоний қадриятларнинг маҳсус намоён бўлиши сифатида табиатга муносабатларнинг янги йўналишларини вужудга келтиради.

Экологик тарбия болаликданоқ сингдириб борилиши лозим. Ёш авлоднинг соғлом ўсиб улғайиши ва ўзидан кейинги авлодга табиат гўзалликларини авайлаб-асраб етказиши учун уларда табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тежамкорона фойдаланиш йўлларини ўргатиш, табиат билан боғлиқ ҳар қандай ишни амалга оширишдан олдин табиий муҳитга заарар етказмайдиган усулларни танлаш кераклигини уқтириш зарур.

Бошланғич синф ўқувчиларида табиатга хурмат билан қараш, унга нисбатан эстетик ҳиссиётни уйғотиши тажрибалари, ўқувчиларнинг ёши, билим қўламини инобатга олган ҳолда уларнинг тафаккурига етиб борадиган даражада табиат тўғрисида, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида қизиқарли ва мароқли сухбатлар ўтказиш, шунингдек, ниҳоллар, сабзвотлар, гул намуналарини қандай ўтқазиш ва парваришлиш борасидаги кўрсатмалар ҳам ижобий натижаларни беради.

Экологик тушунчани амалга оширишда ҳозирги кунгача кўплаб амалий ишлар қилинди. Экологик таълим концепциясининг ишлаб чиқарилиши, экологиядан ҳар канча дастурлар, тўпламлар, методик қўлланмаларнинг яратилгани, бир қатор республика миқёсида ўтказилган анжуманлар шулар жумласидандир. Қолаверса, бир

қатор муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистонда янги ижтимоий ҳаракатлар қатори экология ва саломатлик Халқаро “Экосан” жамғармаси фаолият қўрсатмоқда.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш учун ўқитувчилар ва жамоатчилик томонидан олиб борилаётган ишлар заминида экологик тарбияни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Экологик тарбия самарадорлигини ошириш экологик таълимга боғлиқдир. Экологик таълим-тарбияни кенг кўламда (боғча, мактаб, муассаса, кўча-кўй, жамоат ташкилотлари ва олий таълим муассасаларида) амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу иш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, келажак соғлом авлод учун кафолат беради.

Экологик таълим деганда, ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия умумтаълимнинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишида амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир [6].

Ўлқамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги билимлар билан ёшларни мактаб партасидан кенг таништириб бориш ўз самарасини беради. Бунда экологиядан илмий тушунчалар бошланғич таълимда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, табиий фанлар, она тили ва ўқиш саводхонлиги, математика, технология, тарбия, мусиқа каби фанларни ўқитишида умумлаштирилади. Шу билан бирга дарсдан ташқари машғулотларда яъни тўгарак ишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларининг кундалиқ фаолиятлари давомида экологик муаммоларни ўрганадилар [7].

Шунингдек, ўқитувчининг ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришида халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда тўрт нарса - ер, сув, тупроқ, ҳаво муқаддас саналган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга эътиқод қўйиб, ёзниг энг жазирама кунларида “сув сайли” ўтказган. Ота-боболаримиз “Сув табиат инъоми, ҳаёт манбаи” деб бежиз айтишмаган [8]. Ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлаб, боғ-роғлар яратишган. Халқимизда табиатни муҳофаза қилишга оид жуда кўп урф-одатлар бор. Лекин кейинги пайтларда ёшлар бундай одатларга камроқ эътибор берадиган бўлиб қолишган. Масалан, сувга бўлган хурмат. Илгарилари кичик ариқча юзлаб хонадонлардан оқиб ўтса ҳам уни ҳеч ким ифлос қилмаган. Ҳозир эса кўп жойлардаги ариқларга назар солсангиз, уларнинг чиқиндилар билан тўлганига гувоҳ бўласиз.

Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришда атроф-муҳитга жавобгарлик муносабатини

таркиб топтиришни мақсад қилиб олдик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи идрокининг ўткирлиги, қизиқувчанлиги, хайрихоҳлиги ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг қучлилиги ва тафаккурининг тиниқлиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туриши эса ушбу жараён учун айни муддаодир.

Ўқувчиларда экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштиришда табиий муҳит, уларнинг билиш жараёнлари ва ҳиссий муҳитнинг таъсиридан келиб чиққан ҳолда “Бошланғич синф ўқувчиларида экопсихологик ривожланиш” варақаси ишлаб чиқилди. Ушбу варақа ўқувчиларнинг экологик тарбияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг қай даражада эканлигини белгилаб беради.

Хусусан, Т.А.Шульгина креатив фаолият натижаларини баҳолашда мотивациянинг мавжудлиги, билимлар тизимини эгаллаш, фаолиятни мунтазам амалга оширишдан иборат деб, таъкидлайди [9].

Шунингдек, А.В.Усова эса жараёнларни бажаришнинг тўлиқлиги, уларни бажаришнинг кетма-кетлигини асослади [10].

Ғарбликлар учун -креативлик, умуман олганда, янгиликдир ва улар ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил мутойиба туйғуси ва эркинликка ургу беради [11]. Шарқликлар эса креативликни эзгуликнинг қайта очилиш жараёни, деб тушунади [12]. R.A Beghetto ва Kaufmannинг нуқтаи назарига кўра ҳар иккала маданият вакиллари ҳам креативликни юқори баҳолайди [13].

Таълим жараёнида таҳсил олувчининг креатив жиҳатдан шахсий фаолиятида янги билимларни эгаллашга устувор қизиқиш, сабаблар ва когнитив жараёнларга ижобий эмоционал йўналганликнинг қатъий мавжудлиги, қўйилган ўкув топшириқларини ечишда ҳар доимги каби ўкув ҳаракати усулларидан бошқа, инноватсіон, янги методларни олиб киришга ҳаракат қилиш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўкув-когнитив фаолиятда қатъийлик, креатив билиш фаолиятининг самаралилиги билан таърифланадиган шахс хусусиятини ўзида намоён этиши лозим.

Юқорида келтирилган манбаларга асосан, креатив фаолиятни ривожланиш даражаси таълим муассасаси ва таълим олувчиларнинг ўкув фаолияти натижаларини ҳам акс эттиради. Касбий компетентликни ривожланишининг ўзини умумтаълим муассасаси ва ўкувчи фаолиятини, худди шундай маълум бир вақтда ривожланадиган, функционал тузилмага эга шахснинг интегратив сифатини шунчаки баҳолаш мезони деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу билан боғлиқликда таълим олувчиларнинг креатив фаолиятнинг ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонларини белгилаб олиш муҳим вазифа саналади.

Шу маънода, ўкувчини табиатга мувофиқлик ғояси асосида тарбиялаш кўп қиррали бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади:

ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчининг табиатга муносабатини шакллантирган ҳолда у билан муносабатга киришни оддий қоидаларга риоя этишдан бошлаш зарурлигини сингдириш;

таълим-тарбияни ташкил этишда табиий мухитдан оқилана фойдаланиш, ўқувчининг атроф-мухит объектлари, унинг дунёси билан ўзаро алоқасини мувофиқлаштириш;

таълим жараёнини ташкил этиш ва сингдиришда ўзи яшаб турган табиий ва ижтимоий мухит хусусиятларини ҳар томонлама ўқувчи тушунчаси нуқтаи назарида таҳлил этилиб, маданий анъана ва маънавий қадрият даражасига олиб чиқишига йўналтириш.

Хулоса қилиб айтганда, бу жараён экологик масаларга илмий назарий ёндашувни юзага келтириб, назарий қарашлар табиий мухит масаласида янгича креатив ёндашувни ташкил этган ҳолда таълимга нисбатан маълум бир мойилликни қўлга киритди, бироқ ушбу давр тадқиқотчиларининг илмий тадқиқот ва асарлари экологик таълимнинг замонавий муаммоларини ўз ичига тўлиқ қамраб олмади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Ёшларнин интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Президент мактабларини очиш тўғрисида”ги ПҚ - 4199 -сон қарори. - Тошкент, 2018.
2. О. Х. Хасанов, Т. В. Смирнова, Квантовая электроника, 1996, том 23, номер 5, 447-450.
3. Maxmudova D.M. Kreativ faoliyat jarayoni-mustaqil o'quv-bilish faoliyatining eng yuqori darajasi // Uzliksiz ta'lif 2021. -№2, - Б. 29-33.
4. Гильденков М.Ю. Развитие новых форм организаций экологического образования сельских школьников: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. - М., 1991. - 22 с.
5. Азизова Л.Р. Педагогические условия формирования экологического мировоззрения студентов технических вузов. Дисс.канд. пед.наук. -Махачкала, 2013. -158 с.
6. Ибрагимова Н.А. Экологик хавфсизликни таъминлаш тизимиning институционал ва функционал интегратсияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2018. - 138 Б.
7. Маъмурев Б.Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт - шароитлари. Монография. - Т.: “Ниҳол”, 2014. -94-б.
8. Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. -Тошкент: Фан, 1990. - Б. 172
9. Латюшин В.В. Оценка качества научно-исследовательской и научно-методической деятельности в современном ВУЗе /В.В. Латюшин, Т.А.Шульгина// Вестник Челябинского государственного педагогического университета - № 3. - 2009. - С. 70-76.

- 10.Усова А.В. Естественно научное образование в средней школе. Педагогика. 2001. - № 9. - С. 140-145.
- 11.Maxmudova D.M. Kreativ faoliyat jarayoni-mustaqil o'quv-bilish faoliyatining eng yuqori darajasi // Uzliksiz ta'lif 2021. -№2, - Б. 29-33.
- 12.Makhmudova D.M. Electronic educational resources as a new component of a traditional educational process // Academia Open Vol 1 No 1 (2019): June Education.<https://press.umsida.ac.id/index.php/acopen/article/view/12/15>.
- 13.Beghetto R.A., & Kaufman, J.C. (Eds.). (2010). Nurturing creativity in the classroom [E-reader version]. Cambridge, UK: Cambridge University Press
- 14.Eshboeva S.Q. Pedagogical fundamentals of creative improvement for ecological concepts in primary class pupils. ACADEMICIA: Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://www.tarj.in> ISSN: 2278-4853 Vol 10, Issue 4, April, 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.699 Country India, Doi number 10.5958/2278-4853.2021.00335.9 P-1002-1007.
15. Eshboeva S.K. Pedagogical Fundamentals of Improving the Creative Approach in the Formation of Ecological Concepts in Primary School Students. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology | e-ISSN: 2792-4025 | Volume: 1 Issue: 6 <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/> №6 (November 2021) 81-85 p
- 16.Eshboeva S.K. Technology for improving the creative approach to primary school students forming ecological concepts. Analytical journal of education and development ISSN: 2181-2624 special issue-2022 april Impact Factor 8.1 [www.sciencebox.uz](http://www.sciencebox.uz) 267-271-p
- 17.Эшбоева С.Қ Влияние индивидуальных особенностей на развитие и воспитание школьников. Научный журнал “Гуманитарный трактат” [www.gumtraktat.ru](http://www.gumtraktat.ru) 02 июля 2018 г. Выпуск №29 Кемерово ББК Ч 214(2Рос-4Ке)73я431 ISSN 2500-1159 УДК 378.001 [www.idpluton.ru](http://www.idpluton.ru) 02.07.2018 г. УДК 37.013. 53-56 ст.
- 18.Eshboeva S.K. Use of people's oral creativity in the formation of ecological concepts of primary school students on a creative basis. //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 | ISSUE 10 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423 November 2021 ilmiy jurnal 10-son [www.oriens.uz](http://www.oriens.uz) Doi 10.24412/2181-1784-2021-10 763-769-page
19. Эшбоева С.Қ. Башлангич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив асосда шакллантиришнинг ўзига хос методик хусусиятлари. // Муаллим ҳем узлуксиз билимленидириў. Илмий-методикалық журнал. - Некис.2 - сон. - 2019.- Б. 113-117-б
- 20.Eshboeva Surayyo Kahramon kizi. (2022). THE CURRENT STATE OF IMPROVING THE CREATIVE APPROACH IN THE FORMATION OF ECOLOGICAL CONCEPTS IN PRIMARY CLASS STUDENTS. INTERNATIONAL BULLETIN OF ENGINEERING AND TECHNOLOGY, 2(10), 21–28. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7157268>
- 21.Surayyo Eshboeva. (2022). CREATIVE APPROACH TO FORMING ECOLOGICAL CONCEPTS IN PRIMARY CLASS STUDENTS. European Scholar Journal, 3(10), 93-95. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/2799>.